



Ёшлар ташаббускор бўлиши лозим

ЎзХДП «Истиқбол» ёшлар қаноти



Ўзбекистон Халқ демократик партияси Дастурида ёшларнинг жамиятда муносиб ўрин эгаллашига қўмаклашиш, уларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш масалаларига алоҳида эътибор қаратилган.

ЎзХДП «Истиқбол» ёшлар қаноти Тошкент вилоят бўлими ўтказган давра суҳбатида партия дастурий мақсадларини тарғиб қилиш жараёنларига ёшларни кўпроқ жалб

этиш, етакчиларнинг касбий маҳоратини мустаҳкамлаш масалалари бўйича фикр алмашилди.

2

Жиззах вилоятида ЎзХДПнинг 425 та бошланғич ташкилоти бор. Уларга 15300 нафардан ортиқ аъзо бирлашган. Халқ депутатлари вилоят Кенгашидаги партиямиз депутатлик гуруҳида 11, шаҳар ҳамда туман Кенгашларидаги депутатлик гуруҳларида эса 124 нафар депутат фаолият юритмоқда.

Имкониятларни тўлиқ ишга солиб

электорат манфаатларини қатъий ҳимоя қилишимиз зарур

Сўз — ЎзХДП етакчиларига

Бу катта куч ва салоҳият, шунга яраша имконият, дегани, албатта. Вилоят партия кенгаши бундан қай даражада фойдаланаяпти? Бу ҳақида **ЎзХДП Жиззах вилоят кенгаши раиси Мўътабар Каримова** билан суҳбатлашдик.

— Сиёсий партия фаолияти бир хилда кечмаслиги, доимий ўзгариб туриши, давр руҳига мос тарзда янгиланиб бориши зарур, — дейди у. — Шу жиҳатдан олиб қараганда, кейинги пайтда вилоят партия ташкилоти тизимида интизом сезиларли даражада мустаҳкамланди, ишга муносабат ижобий томонга юз тутди, дейишга асослар етарли. Бу биринчи гада ўтказётган тадбирларимиз, уларнинг савияси, таъсирчанлиги, самарадорлигида ўз ифодасини топаётти, деб ўйлайман. Хусусан, йил бошидан бери ижтимоий ҳимояга муҳтож аҳоли орасида турли мавзуларда ўтказилган 780 дан зиёд тадбирларда 31 мингга яқин партиядошимиз фаол иштирок этди. Уларда партия ташкилотлари фаолиятини тақомиллаштириш, депутатлик гуруҳлари ташаббускорлигини ошириш, тадбирларни самарали ташкил этиш масалалари юзасидан бир қатор тақлифлар билдирилди.

— Партиянинг кучи ва салоҳияти, аввало, аъзоларнинг сиёсий-ҳуқуқий билими, фаол фуқаролик позицияси шаклланиши билан бевосита боғлиқ. Бу жараёнда электорат вакиллари билан эркин мулоқот ва фикр алмашиш муҳитини яратиш, яъни ўтказилаётган тадбирлар таъсирчанлигини ошириш муҳим аҳамиятга эга. Шу мақсадда бошланғич ташкилотларда олиб борилаётган ишлар қандай самара бераётти?

2

ЎзХДП: Электорат манфаати

Қудратли қалб

ЎзХДП фаоли Ортиқ Фармонов кўпдан буён Кўзи ожизлар жамияти Миробод туман бўлимига раҳбарлик қилади. Шунингдек, Ўзбекистон Халқ демократик партияси бошланғич ташкилоти етакчиси сифатида мазкур тузилма аъзоларининг ташвишига шерик бўлади, муаммоларини ечишга, уларга қўлидан келганча ёрдам беришга уринади.

Турли тадбирлар ўтказишга бошқош бўлади. Жамият аъзоларининг сиёсий-ҳуқуқий дунёқарашини шакллантириш, уларга янги қабул қилинган қонунлар мазмун-моҳиятини тушунтириш, партия томони-

дан электорат манфаатларини ҳимоя қилиш борасида олиб борилаётган ишлар, мамлакат ҳаётида юз бераётган муҳим воқеа-ҳодисалар ҳақида гапириб беради. Бир сўз билан айтганда, фидойи бу инсон

3

Касаначилик, уй меҳнати

ривожланиши хотин-қизларни иш билан таъминлашнинг муҳим омили

Касби туманида партиянинг 2140 нафар аъзоси бор. Халқ депутатлари туман Кенгашидаги депутатлик гуруҳида 18 нафар депутат фаолият юритаётти. Шу йилнинг ўтган даврида партия Ҳаракат дастурида белгиланган янги иш ўринлари ташкил этиш, ёшлар бандлиги, маиший хизмат кўрсатиш ва сервисни ривожлантиришга оид 3 та масала туман Кенгаши сессияси кун тартибига олиб чиқилди.

2

Янги йил байрами муносабати билан кенг нишонланадиган «Президент арчаси» шодиёналарига Қорақалпоғистон Республикасининг олис овулларида, шаҳар ва қишлоқларида ҳам пухта тарадуд қўрилмоқда.

Байрамга ҳозирлик қизгин

Янги йил байрами тадбирларида кам таъминланган, боқувчисини йўқотган болаларга, Ватанимиз сарҳадларининг дахлсизлиги, халқимиз тинчлиги йўлида ҳалок бўлган ҳарбий хизматчиларнинг фарзандларига Президентимизнинг байрам совгалари топширилади.

Тўрткўл туманида ҳам бу борада тайёргарлик ишлари олиб боришмоқда. — Касаба уюшмалари кенгаши ҳамда ҳомий ташкилотлар хисобидан болаларга байрам совгалари ҳозирланмоқда, — дейди туман халқ таълими муассасалари фаолиятини методик таъминлаш ва ташкил этиш бўлими раҳбари Каримберди Худойшукуров. — Шунингдек, 62-ёрдамчи мактабда таълим олаётган имконияти чекланган болаларга ҳам совгалар тайёрлаб қўйилди.

А.ОРИҚБОВ,
ЎзА мухбири.

Ижтимоий ҳимоя

МОЛИЯВИЙ

операциялар жараёни такомиллаштирилмоқда

3

Бу даргоҳда бўлғуси

АРХИТЕКТОР ВА ДИЗАЙНЕРЛАР

тайёрланади

Тошкент архитектура-қурилиш институти қошидаги академик лицейда ўқувчилар ўз интилиши ва иқтидорларини ҳар томонлама намоён этиши учун барча имкониятлар яратилган.

4

ХОТИН-ҚИЗЛАР

учун янги иш ўринлари

Бугун Фарғона вилояти шаҳару қишлоқларини айлансангиз кўрикам кўчалар, муҳташам бинолар, обод хибонлар қатори бир-биридан шинам «Ўзгаллик уйлари»ни кўрасиз. Янги лойиҳалар асосида қад ростлаб, опа-сингилларимизга хизмат кўрсатётган бундай мажмуалар сони кундан-кунга кўпайиб бораётти.

4

ПАРАЛИМПИЯ-ЧИЛАР

икки йўлланмани қўлга киритди Юртимизда паралимпия спорт турларини ривожлантириш, жисмоний имконияти чекланган кишиларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш масаласига алоҳида эътибор қаратиб келинмоқда.

4

«Ўзбекистон овози» газетаси сайтида ўқинг

Коммунал хизмат кўрсатиш сифатини ошириш

аҳоли турмуш шароити янада яхшиланишини таъминлайди

Ўзбекистон Халқ демократик партияси

Дастурида оналар ва болаларга тиббий хизмат кўрсатиш сифатини ошириш, аҳолининг тиббий маданиятини юксалтириш масалаларига алоҳида ўрин ажратилган. Мазкур устувор вазифалар «Соғлом бола йили»да ҳам партиямиз зиммасига улкан масъулият юклайди.



O'ZBEKISTON OVOZI

— хилма-хил фикрлар минбари,

СИЗНИНГ МИНБАРИНГИЗ!

Келгуси сонларда:

Шу кунларда Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги ЎзХДП фракцияси аъзолари ўз округларида сайловчилар билан учрашувлар ўтказмоқда.

Газетамизнинг келгуси сонларидан бирида мазкур учрашувлар ва уларда билдирилган фикр-мулоҳазалар ҳақида мақола эълон қилинади.

Имкониятларни тўлиқ ишга солиб

электорат манфаатларини қатъий ҳимоя қилишимиз зарур

Сўз — ЎзХДП етакчиларига



Мўтабар КАРИМОВА
ЎзХДП Жиззах вилоят
кенгаши раиси

— Тадбирлар партиядошларимиз, электорат вакиллари фаолиятини оширишга, у ёки бу масала бўйича фикр доирасини кенгайтиришга, дунёкарашнинг бойитишга, бўлаётган воқеа-ҳодисаларга фаол фуқаролик муносабатини шакллантиришга қаратилгани билан ҳам аҳамиятли. Шу ўринда тадбирларга тайёргарлик кўриш, ўтказиш билан боғлиқ ишларда фаолларимиз, етакчилар, депутатлар, мутахассислар, экспертлар иштироки муҳим аҳамиятга эга.

Хар қандай сиёсий кучнинг асоси бу бошланғич ташкилотлардир. Электоратни қизиқтираётган масалаларни жойида аниқлаш, мақбул таклифлар бериш дейсизми, партия сафларига қабул ёхуд маҳаллий Кенгаш депутатларининг ўз сайловчилари билан учрашувларини ташкил этиш бўладими, сиёсий ва фуқаролик маърифати тизимидаги ўқувларни, барчасида бошланғич ташкилотлар, уларнинг

(Давоми. Боши 1-бетда.)

етақчилари масъул.

Бу билан ҳамма ишларимиз жойида, дейишдан йироқман, албатта. Ҳали бу борада амалга оширишимиз лозим бўлган ишлар ва камчиликларимиз етарлича топилади. Биз уларни босқичма-босқич бартараф этиш бўйича чора-тадбирлар ишлаб чиқаямиз.

— **Ижтимоий масалалар самарали ҳал этилиши кўп жиҳатдан бу борада муқобил таклифлар кўпайиши, маҳаллий ижро ҳокимияти масъулияти ошишига боғлиқ. Демак, партиямиз бу масалаларда ташаббускор, ҳаракатчан бўлиши лозим. Шу ўринда маҳаллий Кенгашлардаги депутатлик гуруҳларининг бу борадаги фаолияти ҳақида қандай фикр-дасис? Электорат манфаатлари маҳаллий Кенгашларда қай тарзда ҳимоя қилинмоқда?**

— Биз ўзимизни ижтимоий ҳимояга муҳтож аҳоли манфаати учун курашаётган сиёсий куч ҳисоблар эканмиз, давлат томонидан бу борада амалга оширилётган ислохотларни янада такомиллаштириш, ижтимоий самарадорлигини ошириш бўйича муқобил таклифлар беришимиз зарур. Бу муҳим масалаларни маҳаллий Кенгашлар доимий комиссиялари йиғилишлари, сессиялар муҳокамасига олиб чиқиш, таклифларимизни маҳаллий вакиллик ҳокимиятида ҳимоя қилиш, уларни ҳаётга татбиқ этилишига эришишдир.

Жорий йилда вилоят, шаҳар ва туман Кенгашларидаги депутатлик гуруҳларимиз ташаббуси билан 8 та масала халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлари сессияларида муҳокама қилинганини, натижада электорат манфаатларига хизмат қиладиган қарорлар қабул қилинишига эришилганини таъкидлашни истардим. Эндликда улар ижросини таъминлаш бўйича ҳам талабчанлик ва қатъий кўрсатиш керак.

Йил бошидан бери маҳаллий Кенгашлардаги депутатлик гуруҳларимиз аъзолари томонидан маҳаллий ҳокимият ва бошқарув органларининг мансабдор шахслари ваколатларига қирадиган масалалар юзасидан 91 та депутатлик сурови юборилди.

Шу йил 20 ноябрь кунини вилоят Кенгаши депутати Ақром Иномов Жиззах туманидаги Зиёкор қишлоқ фуқаролар йиғини аҳолисида тушган мурожаатни ўз назоратига олди. Унда табиий газ таъминотини янада яхшилаш талаби кўйилган эди. Депутат «Жиззах-тумангаз таъминоти» филиалига расмий мурожаат қилди. Тез орада муаммо бартараф этилиб, аҳвол яхшиланди.

Шу ўринда партия Ҳаракат дастурида белгиланган вакифларни бажаришда ташаббус ва қатъий кўрсатаётган, Жамоатчилик қабулхоналари ишида фаол иштирок этаётган, доимий комиссиялар, маҳаллий Кенгаш сессияларига масалалар тайёрлаш, янги иш ўринлари яратилиши қўллаб-қувватлаш, сайловчилари билан мунтазам алоқада бўлиш, умуман, зиммасидаги масъулиятни ҳис қиладиган депутатларимиз сафи кенгайиб бораётганини таъкидламоқчиман.

Афсуски, айрим маҳаллий партия ташкилотлар раҳбарлари, баъзи депутатларимиз томонидан одамларни безовта қиладиган ижтимоий масалаларни муҳокамага олиб чиқиш, уларнинг ечимини бўйича чуккур ўйланган аниқ таклифлар ишлаб чиқишда сусткашликка йўл қўйилмоқда.

Биз партия электорати манфаатларига жавоб берадиган қарорлар қабул қилинишига, уларнинг ижроси изчил таъминланишига эришмоғимиз керак. Қонулар ижросига панжа орасидан қараётган, ижтимоий масалаларни ҳал этишни пайсалга солаётган айрим мансабдорлар фаолиятига ўз вақти-

да танқидий баҳо беришимиз зарур. Ушандагина сиёсий партия сифатида зиммамиздаги масъулиятли вакифларни бажарган бўламиз.

— **Электорат мурожаатларини қабул қилиш, уларга ечим топиш бўйича ЎзХДПда ўзига хос тизим, яъни Жамоатчилик қабулхоналари ташкил этилган. Улар фуқаролар ҳамда электорат билан алоқани мустақамлашнинг ишончли воситасидир.**

— Бизда айни пайтда 14 та Жамоатчилик қабулхонаси фаолият кўрсатмоқда. Жорий йилда уларга жами 442 та мурожаат бўлди. Шулардан 346 таси ижобий ҳал этилди, қолганлари юзасидан амалий ишлар давом этмоқда. Мисол учун, фуқаро Анора Эргашеванинг 26 сентябрда Мирзачўл туман партия кенгаши Жамоатчилик қабулхонасига ижтимоий нафақа масаласида қилган мурожаатини олайлик. Мазкур мурожаат туман Кенгаши депутатлари томонидан жойида ўрганиб чиқилди, мутасадди ташкилотлар эътиборига ҳавола этилди. Фуқарога қонуний тартибда ижтимоий нафақа бериладиган бўлди.

Бундай мисолларни кўплаб келтириш мумкин. Шуниси аниқки, Жамоатчилик қабулхоналарига тушаётган мурожаатлар эътибордан четда қолмаслиги, уларга масъулият билан қараш лозим. Бу эса фуқароларда партияга бўлган ишончнинг орттиришига хизмат қилади.

Хулоса ўрнида шунини айтиш керакки, партиянинг жамиятдаги ўрни ва таъсири амалий ишлар билан ўлчанadi. Шундай экан, зиммамиздаги бурч ва масъулиятни тўла ҳис этиб ишлаш, сиёсий куч сифатида обрўимизни ошириб беравердик.

— **Ўзбекистон овози» мухбири Иброҳим ЖОНУЗОҚОВ сўхбатлашди.**

Касаначилик, уй меҳнати

ривожланиши хотин-қизларни иш билан таъминлашнинг муҳим омили



(Ў.А.) олган сурат.

қўмаклашиш ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш маркази директори Искандар Отауллоев. —

буси билан сессияда кўриб чиқамиз. Бу йил бандлик марказига иш сўраб мурожаат қилган 1048 нафар

Айни пайтда Қашқадарё вилоятидаги 33 896 нафар партия аъзосидан 11 646 нафари хотин-қизлардир. Халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлардаги ЎзХДП депутатлик гуруҳларида 34 нафар аёл депутат фаолият юритапти. 845 та бошланғич партия ташкилотининг 20 фоизидан кўпроғида хотин-қизлар етакчилиги қилмоқда.

Бу йил ҳудудимизда иш ўринлари ташкил этиш ва аҳоли бандлигини таъминлаш дастури асосида 5462 та янги иш ўрни яратилиши режалаштирилган эди. Шу вақтга қадар касб-хунар коллежларининг 1823 нафар битирувчиси ишга жойлаштирилди. Жорий йилда хунармандчилик билан шуғулланиб келаётган 80 нафар аёлга меҳнат дафтарчаси очилди. Яна бир йўналиш — касаначилик. Касаначилик фаолиятини йўлга қўйган корхона-ташкилотларга Президентимизнинг тегишли фармони асосида қатор имтиёзлар берилган. Умуман, ЎзХДП билан ташкил қилинган аҳоли бандлигини таъминлаш йўналишидаги тадбирларда бундай имтиёз ва имкониятлар ҳақида кенг тушунириш яхши самара бермоқда.

— Бандлик масаласининг турли йўналишларини халқ депутатлари туман Кенгаши доимий комиссияларида муҳокама этиб бориш ижобий натижа беради, — дейди **ЎзХДП Қарши туман кенгаши раиси, халқ депутатлари туман Кенгашидаги депутатлик гуруҳи раҳбари Замира Азизова**. — Биз шундай тажрибадан фойдаландик. Энди мазкур масалани депутатлик гуруҳимиз ташаб-

Муқобил таклифлар шаклланиши

етақчилар фаоллигига боғлиқ

Қизилтепа туманида ЎзХДП Навоий вилоят кенгаши «Бошланғич партия ташкилотлари фаолиятини такомиллаштириш» мувзусида ўқув-семинар ўтказди. Унда партия фаоллари, халқ депутатлари вилоят, туман, шаҳар Кенгаши депутатлари ҳамда бошланғич ташкилотлар етакчилари қатнашди.

Семинарда иштирок этганлар партиянинг бошланғич бўғинини кучайтириш, электорат билан ишлашнинг самарали механизмларини жорий қилиш масалаларига тўхталиб ўтишди.

— Сиёсий партия ўз мақсадларига эришиши учун аввало бошланғич ташкилот фаол бўлимоғи лозим, — деди **ЎзХДП Қизилтепа туман кенгаши раиси Фазлиддин Темиров**. — Чунки бошланғич бўғин қанча ташаббускор бўлса, жойларда учраётган муаммолар ечимини бўйича муқобил таклифлар шаклланиб боради.

Туманимизда 66 та БПТ мавжуд бўлиб, уларга 3000 дан ортиқ аъзо бирлашган. Бошланғич ташкилотлар фаолиятини замон талаблари асосида такомиллаштириш, етакчиларнинг сиёсий-хукукий билимини янада ошириш, электоратнинг ижтимоий-сиёсий жараёнларда

иштирокини кучайтириш масалаларига алоҳида эътибор бераёلمиз. Жорий йилнинг ўтган даврида мазкур йўналишда етакчилар учун бир қатор давра суҳбати ва семинарлар ўтказдик. Аҳамиятли жиҳати, мазкур тадбирларда асосан етакчилар фикр-мулоҳазаларига кенг ўрин берилди. Уларнинг таклифлари бошланғич ташкилотлар фаолияти самарадорлигини оширишда қўл келаяпти.

Семинар якунида фаол БПТ етакчилари рағбатлантирилиб, партия сафига қабул қилинган бир гуруҳ ёшларга аъзолик гувоҳномалари топширилди.

Илҳом САТТОНОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

Суннатилла АҚБАРОВ,
ЎзХДП «Истиқбол» ёшлар қаноти Тошкент вилоят бўлими етакчиси:

— Ёшлар қаноти партиямизнинг энг фаол бўғини ҳисобланади. Бу вазифани амалга ошириш учун сафимизда иқтидорли, ташаббускор ёшлар кўп. Вилоятимизнинг деярли барча туман ва шаҳар бўлиmlарида шунга эътибор берилмоқда. Ёшларнинг сиёсий-хукукий билимларини оширишга қаратилган тадбирлар

Юқори Чирчик, Қибрай туманлари, Олмалик ва Чирчиқ шаҳар кенгашларида юқори савияда ташкил этилапти. Бу масалага барча етакчилар бирдек масъулият билан қараши, ёшларнинг ижтимоий фаоллигини оширишга бағишланган тадбирлар ҳар бир ҳудудда мунтазам ўтказиб борилиши лозим.

ЎзХДП «Истиқбол» ёшлар қаноти

(Давоми. Боши 1-бетда.)

ЎзХДП «Фаол аёллар» қаноти

